



Суднинг 2021 йил 9 сентябрдаги 4-2005-2101/1329-сонли ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган. Жавобгардан жами кредит қарз, 12.174.964 сўм кредит фоизи ундирилган. Ундирувнинг гаровдаги мол-мулкларга қаратилган.

Даъвогар даъво аризасида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгардан муддати ўтган 59.725.036 сўм фоиз қарздорликни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб-қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган палата вакили суд мажлисида иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан фикр билдирмади. Ишни ўзининг вакили иштироқисиз кўриш тўғрисида ариза тақдим этмади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда жавобгарга суд ажрими юборилган, аммо даъво аризасида кўрсатилган манзилда мавжуд эмаслиги тўғрисида алоқа хизматининг ФОРМА-20 шаклдаги маълумотномаси мавжуд. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128 ва 170-моддаларини қўллаб, ишни жавобгар ва палата вакиллари иштироқисиз кўришни лозим тоади.

Суд, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини инобатга олиб, даъвогар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига равишда юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 234-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексада кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Ушбу ҳолатда тарафлар ўртасидаги мажбурият шартномадан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФК 736-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар қонунчиликда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

ФК 744-моддасининг биринчи қисмига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида



пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2006 йил 22 декабрдаги №13/150-сонли қарори (бундан буён матнда Пленум қарори деб юритилади) 3-бандининг биринчи қисмига кўра, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади.

Мазкур Пленум Қарори 5-бандининг иккинчи қисмига кўра, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, кредит ташкилоти томонидан қарз олувчи (қарздор) банкнинг пул маблағларидан амалда фойдаланган бутун даври учун, ҳатто актив (кредит/қарз) ўстирмаслик мақомига ўтказилган тақдирда ҳам, пул мажбуриятларини кечиктириш даврини қўшган ҳолда ҳисобланиши мумкинлиги тушунтирилган.

Пленум Қарорининг 10-бандига кўра, ФКнинг 736-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ФКнинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ФКнинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак. Кредит шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши кредит ташкилотини кредит шартномасини бекор қилиш пайтидан бошлаб қайтариш кунига қадар пул маблағларидан фойдаланилган бутун давр учун ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Агар шартномада қарз тўловининг кечиктирилганлиги муносабати билан фоизлар миқдори оширилиши белгиланган бўлса, қарз маблағларидан фойдаланганлик учун тўлов оширилган ставка миқдори ФКнинг 327-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ шартномада белгиланган бошқа фоизлар миқдори деб ҳисобланиши лозим. ФКнинг 736-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси ҳисобланади. Кўрсатилган, қарз суммасини қайтаришни кечиктириш муносабати билан ундириладиган фоизлар, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пул маблағларидан фойдаланганлик учун қайтариш кунига ҳисобланган фоизларсиз ушбу суммага ҳисобланади. Агар даъвогар томонидан ФКнинг 327-моддасига асосан фоизларни ундириш ва айнан шу қонунбузилиши учун неустойка ундириш ҳақида талаблар билдирилган бўлса, суд ўз хоҳишига кўра фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларидан бирини



қўллаши ва талабни ёки фоизлар ундириш қисми бўйича, ёхуд неустойка ундириш қисми бўйича қаноатлантириши мумкинлиги тушунтирилган.

Кредит шартномасининг 3.4-бандига кўра, жавобгар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинадиган қайтариш жадвалига асосан тўлаш мажбуриятини олган.

Кредит шартномасининг жавобгар) кредитдан фойдаланганлик учун кредитор (банк)га фоиз миқдори 22 фоиз этиб белгиланган.

Тарафлар ўртасидаги кредит шартномаси бекор қилинмаган.

Шунга асосан даъвогар ФКнинг 734-моддасига асосан фоиз қарздорлик ҳисоблаган.

ФКнинг 734-моддасида агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юримдик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

Иш мазмунан кўрилатган кунга қадар жавобгар асосий қарз бўйича олган мажбуриятларини бажармаган, кредит қарздорлик қопланмаган.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлар таҳлил қилинганда, жавобгар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш графигига риоя қилмасдан тўлашни кечиктирилишига йўл қўйган.

Бундан ташқари, даъвогар ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни ҳам сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 279-моддаси 1-қисмига кўра гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкинлиги кўрсатилган.

Аниқланишича, 2019 йил 25 июндаги Ипотека шартномаси билан жавобгар “Меҳри Ҳикматобод” фермер хўжалигига тегишли бўлган Ромитан тумани, Боғитуркон ҚФЙ, Дўстлик массивида жойлашган умумий ер майдони 1.000 кв.метр, фойдали майдони 194,25 кв.метр, қурилиш ости майдони 237,90 кв.метр бўлган нотурар бино-иншоот доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда гаровга қўйилган.

Баён этилганларга асосан суд, 59.725.036 сўм муддати ўтган кредит фоиз қарздорлигини ундирувини жавобгар “Меҳри Ҳикматобод” фермер хўжалигига тегишли бўлган Ромитан тумани, Боғитуркон ҚФЙ, Дўстлик массивида жойлашган умумий ер майдони 1.000 кв.метр, фойдали майдони 194,25 кв.метр, қурилиш ости майдони 237,90 кв.метр бўлган нотурар бино-иншоот доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда қаратишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи



шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига муносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб суд,

**қ а р о р   қ и л а д и :**

1. Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.
2. Жавобгар – Ромитан туманидаги “Меҳри Ҳикматобод” фермер хўжалигидан даъвогар - Ўзбекистон Республикаси ТИФ “Миллий банк”и фойдасига 59.725.036 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув Ипотека шартномасига асосан гаровга қўйилган жавобгар “Меҳри Ҳикматобод” фермер хўжалигига тегишли бўлган Ромитан тумани, Боғитуркон ҚФЙ, Дўстлик массивида жойлашган умумий ер майдони 1.000 кв.метр, фойдали майдони 194,25 кв.метр, қурилиш ости майдони 237,90 кв.метр бўлган нотурар бино-иншоот доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда қаратилсин.

3. Жавобгар – Ромитан туманидаги “Меҳри Ҳикматобод” фермер хўжалигидан Республика бюджетига 1.194.500,72 сўм давлат божи ундирилсин.

4. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, шу ҳақда ижро варақалар берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест келтиришга ҳақли.

**Судья**

**Х.Г.Абдуллаев**

